




КРЕДИТ

ҲАҶАТАСИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
МЕТОДИКАСИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

КРЕДИТ ҲАФТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ



ТОШКЕНТ
2025

Кредит ҳафтасини ташкил этиш методикаси [Матн] : методик қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази. – Тошкент, 2025. – 52 б.

Ушбу методик қўлланма олий таълим ташкилотларида кредит ҳафталигини ташкил қилишга ёрдам беради. Унда кредит ҳафталигини ташкил қилиш бўйича батафсил тавсиявий маълумотлар тақдим этилади. Методик қўлланма, шунингдек, талабаларга олий таълимга кириб келишнинг дастлабки тушунчаларини шакллантирилишини, амалий машғулотлар ва назарий билимларнинг уйғунлашишини таъминлайди. Қўлланма барча олий таълим ташкилотлари учун методик йўриқнома сифатида хизмат қилади.

Таҳрир ҳайъати:

Ш. Далиев, А. Холиқов, М. Эсанов, Т. Аҳмедов,
Ж. Усманов, С. Мусамедов

МУНДАРИЖА

Кириш	4
-------------	---

Олий таълим ташкилотларида 1-босқич талабаларига кредит ҳафталигини ташкил этиш

1-кун: Олий таълимга хуш келибсиз!.....	6
2-кун: Олий таълим ташкилоти бўйлаб экскурсия.....	8
3-кун: Сиз танлаган касб келажакни шакллантиради!.....	10
4-кун: Фанлар – мутахассислик гарови!.....	15
5-кун: Кредит тизими: менинг ўқув юкламам ва шахсий жавобгарлигим	17

Иккинчи кредит ҳафталигида амалга ошириладиган ишлар

6-кун: HEMIS электрон тизимидан фойдаланиш.....	19
7-кун: Силлабус ва баҳолаш тизими, грантлар тақсимооти.....	22
8-кун: Мустақил таълим (МТ) — нима ва у нега керак?	25
9-кун: Академик ҳалоллик: аҳамияти, оқибатлари ва тавсиялар.....	28
10-кун: Ахборот-ресурс марказидан фойдаланиш.....	30

Олий таълим ташкилотларида юқори босқич талабаларига кредит ҳафталигини ташкил этиш

1-кун: Фанлар билан танишув ва танлов фанларни танлаш.....	33
2-кун: Олий таълим ташкилотида юқори босқич талабаларига амалиётларни ташкил этиш.	36
3-кун: Олий таълимда ўтказиладиган номдор стипендиялар, танловлар ва фан олимпиадаларида иштирок этинг.	38
4-кун: Яхши мутахассис бўлмоқчимисиз – адабиётлар устида ишлашни ўрганинг!.....	41
5-кун: Илмий мақола қандай ёзилади.	44

Шанба: Жисмоний маданият тадбирларини ташкил этиш.....	47
--	----

Шанба: Олий таълимда маданий тадбирларни ташкил этиш	49
--	----

КИРИШ

Жаҳон таълим тизимида юз бераётган ислохотлар ва рақамлаштириш жараёнлари олий таълимда сифат, самарадорлик ва таълим жараёнини шахсга мослаштиришни тақазо этмоқда. Айниқса, кредит-модул тизими асосида таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, талабаларга мустақил ўқиш, билим ва қўникмаларни босқичма-босқич шакллантириш имконини яратмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур тизим босқичма-босқич жорий этилиб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун янги ёндашувларни талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, кредит ҳафталигини ташкил этиш — таълим жараёнининг мазмунан тўғри ва самарали йўлга қўйилишида муҳим ўрин тутди. Бу ҳафта давомида талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида очиқ мулоқот, фанлар ва баҳолаш тизими бўйича тушунтиришлар, фикр алмашувлар ҳамда таълимга оид инновацион ёндашувлар тақдим этилади.

Мазкур методик қўлланма олий таълим ташкилотларида кредит ҳафталигини мақсадга мувофиқ тизимли ва натижавий ташкил этишда амалий ёрдам беришни кўзда тутди. Унда ҳафталикни режалаштириш, ташкил этиш тартиби, тадбир турлари, мулоқот усуллари ва баҳолаш мезонлари ҳақида тавсиялар берилган.

Бугунги кунда таълим жараёни фақатгина билимларни етказиш билан чекланмай, балки талабаларнинг мустақил изланиш олиб бориш, танқидий фикрлаш ва ҳаётий вазиятларда олган билимларини қўллай олиш қобилиятларини шакллантириш муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли, замонавий педагогика профессор-ўқитувчилардан фақат билим берувчи эмас, балки талабалар билан ҳамкорлик қилувчи, уларни изланишга ундовчи, ўқитиш жа-



раёнини индивидуал ёндашув асосида ташкил этувчи мутахассис бўлишни талаб қилади.

Қўлланма айнан шу каби замонавий таълим ёндашувларига асосланган бўлиб, унда ўқув жараёнини режалаштириш ҳамда самарали ташкил этиш, интерфаол ва инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш, фанлараро ёндашув ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, талабаларнинг ўқув мотивациясини оширишда баҳолаш ва натижаларни таҳлил қилиш каби муҳим педагогик жараёнларга оид илмий-назарий, амалий жиҳатлар ёритилган.

Қўлланма таълим ташкилотчилари, тьюторлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун фойдали амалий манба бўлиши мумкин.



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА БИРИНЧИ БОСҚИЧ ТАЛАБАЛАРИГА КРЕДИТ ҲАФТАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Кредит ҳафталиги **биринчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти маданият саройи, фаоллар зали, маъруза зали.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Олий таълим ташкилоти: кеча, бугун ва эртага.

“Билимлар кун” тадбирида иштирок этилади.



Тадбирни олий таълим ташкилоти ректор(директор)и очиб беради ва тадбир сценарийси бўйича сўзга чиқувчилар талабаларни табриклайди ҳамда янги ўқув йилидаги режалар ҳақида қисқача гапириб беради.

Маданий тадбирдан сўнг талабалар факультетга ташриф буюради.

Факультетда талабаларга “Билимлар кун” муносабати билан танишув амалга оширилади



*Факультетдаги тадбирда декан, декан ўрин-
босарлари, кафедра мудирлари, тьюторлар ва
ота-оналардан вакиллар иштирок этади.*

Тадбирда талабаларга қуйидагилар ҳақида қисқача сўзлаб берилади:

- Факультет ва унинг раҳбарияти.
- Олий таълим ташкилотининг тарихи.
- ОТТда раҳбар бўлган ректорлар.
- ОТТни битирган машҳур шахслар (машҳур олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, машҳур тадбиркорлар ва ҳоказо).
- ОТТнинг имкониятлари ва республикадаги соҳалар кесимида кадрлар тайёрлаш жараёнидаги ўрни.
- Факультет тарихи ва унинг истиқболи.
- Факультет таркибидаги кафедралар.
- Факультет таркибидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар.
- Факультет таркибидаги кутубхона, лаборатория ва бошқа иншоотлар.



Шундан сўнг талабалар факультет аудиториялари, лаборатория хоналари ва кафедралар билан таништи-
рилади.

Факультет билан танишув тугагандан кейин талабалар-
нинг турар жой билан таъминлаш масалалари яна бир бор кўриб
чиқилади.

Навбатдаги кунда амалга ошириладиган вазифалар ҳақида маъ-
лумот берилиб, талабаларнинг уйга қайтишига рухсат берилади.



Кредит ҳафталиги **иккинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ БЎЙЛАБ ЭКСКУРСИЯ



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти ҳудуди.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 12:50



Планшет тайёрлаш: Олий таълим ташкилотининг умумий тузилиши тўғрисида.

Талабалар ОТТ бўйлаб экскурсияга таклиф этилади.



Талабаларни ОТТнинг барча бино ва иншоотлари билан таништиришни ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий ишларга масъул декан ўринбосари ва тьюторлар амалга оширадилар.

Талабаларга қуйидаги бўлинмалар, бино ва иншоотларга олиб борилади.

Ректорат.

ОТТ тузилмасидаги барча маъмурий бўлинмалар.

Регистратор офиси.

Ўқув бинолари.

Устахоналар, ОТТ ҳудудидаги ишлаб чиқариш
корхоналари, тажриба участкалари.

Ахборот-ресурс маркази.

Спорт иншоотлари.

ОТТ ҳудудидаги музей.

Маданият саройлари.

Талабалар театрлари, талабалар клублари.

Акселераторлик марказлари ва бошқа
инновацион ҳудудлар.

Компьютер синфлари.



Талабаларга ОТТда барча шарт-шароитлар яратиб берилганлиги ва улардан фойдаланиш тартиби тушунтирилади. Ҳар бир маъмурий бўлинма ёки иншоотлар билан танишув давомида талабаларнинг саволларига батафсил жавоб берилади.

Уйга вазифа сифатида талабаларнинг одоб-ахлоқ кодекси билан танишиш топширилади ҳамда талабаларнинг уйга қайтишига рухсат берилади.



Кредит ҳафталиги **учинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: СИЗ ТАНЛАГАН КАСБ КЕЛАЖАКНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ!



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти маъруза зали ва аудиториялари.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Таълим йўналиши ва унинг имкониятлари тўғрисида.

Талабалар маъруза заллари ёки бошқа аудиторияларга жойлашади.



Одоб-ахлоқ кодекси бўйича савол-жавоблар қилинади. Тьютор томонидан қўшимча тушунтиришлар берилади.

Шундан кейин талабалар танлаган таълим йўналиши ва касби ҳақида маъруза қилинади. Маърузани энг маҳоратли профессор-ўқитувчи олиб боради. Меҳмон сифатида факультетда ўқиб катта натижаларга эришган собиқ битирувчи таклиф этилса мақсадга мувофиқ бўлади.



Маърузанинг қисқача мазмуни қуйидагилардан иборат бўлади:



Нега бу танлов муҳим?

Сиз танлаган касб — бу нафақат келажакдаги иш жойингиз, балки ҳаёт тарзингиз, шахсий қадриятларингиз, жамиятдаги ўрнингиз ҳамдир. Касб инсонни шакллантиради. Касб орқали инсон ўзининг кучли ва заиф томонларини англайди, жамиятга хизмат қилади, из қолдиради.

Бугун сиз, кимдир — муҳандис, кимдир — ҳуқуқшунос, кимдир — шифокор, кимдир эса иқтисодчи бўлиш йўлини танлагансиз. Бу танловлар тасодиф эмас. Бу орзу ва интилишларнинг самарасидир.

Танланган касбга муҳаббат – муваффақиятнинг калити

Муҳим бир ҳақиқатни эслаб қолинг:

“Касбни севсанг — демак, ҳаётни севасан”.

Қаерда ишлашингиздан қатъи назар — агар ишингизни яхши кўрсангиз, у сиз учун юк эмас, илҳом манбаи бўлади. Чин дилдан ишланган меҳнат, меҳр билан қилинган хизмат — одамни ўзини тўлиқ ҳис этишига олиб келади. Ҳеч бир буюк мутахассис ўз касбига безътибор бўлмаган.

Қийинчиликлар – ўсиш имконияти

Албатта, йўлда турли қийинчиликлар, муаммолар учрайди. Лекин у қийинчиликлар — сизни тўхтатиш учун эмас, сизни кучлироқ қилиш учун юборилади. Ҳар бир муваффақиятли мутахассис – қийинчиликларни енгган инсондир. Хатолар қиларсиз, туш-

кунликка тушарсиз – лекин таслим бўлманг. Таслим бўлмасангиз, бир куни сизнинг исмингиз муваффақият синонимига айланади.

Илм билан касбга

Бу йўлда энг муҳим қуролингиз — билим. Танлаган касбингизда етук мутахассис бўлиш учун фақат диплом етарли эмас. Сиз ўқишингиз, изланишингиз, тажриба тўплашингиз керак. Илм — танланган касбда бардавом ва муваффақиятли бўлишнинг ягона йўли.

Сиз ким бўлишингиз мумкин?

Ажойиб шифокор — бир кун келиб инсон ҳаётини сақлаб қоладиган.

Зукко муҳандис — эртанги инновацияларни яратадиган.

Адолатли ҳуқуқшунос — жамиятда тенглик ва қонун устуворлигини таъминлайдиган.

Илҳомбахш ўқитувчи — келажак авлодни тарбиялайдиган.

Сиз – ўша келажак меъморисиз!

Хулоса: Танловга содиқ қолинг!



*Азиз талабалар, танлаган касбингизга ишонинг.
Уни севинг. Сиз ҳозирданоқ шу касб билан яшашни,
уни тушунишни бошланг. Келажакда қандай инсон
бўлишингиз бугунги ҳаракатларингизга боғлиқ.
Касбингизни танладингиз — энди у сизга жавоб
бермасдан, сиз унга жавоб берасиз!
Унга муносиб бўлинг!
Барчангизга омад ва муваффақиятлар
тилайман. Раҳмат!*

Маърузадан сўнг талабаларга кейс берилади.

Кейс мавзуси: “Мен танлаган касбга қандай хизмат қила оламан?”

Биринчи курс талабалари учун касбий руҳлантирувчи кейс

Мақсад:

Талабаларни танлаган касбига илмий ва амалий нуқтаи назардан ёндашишга ўргатиш.

Фикрлаш, муаммони таҳлил қилиш ва ечим таклиф қилиш қобилиятини ривожлантириш.

Касбий фаолиятда ўз ўрнини тасаввур қилиш, мақсад қўя олиш қобилиятини шакллантириш.

Кейс вазияти (сценарий):

Вазият: Сиз танлаган касбингиз бўйича тўрт йиллик ўқишни энди бошладингиз. Ўз касбингиз орқали жамиятга қандай фойда келтира оласиз? Танлаган йўналишингизда ўн йилдан кейин қандай янгилик яратишни орзу қиласиз?

Топшириқ:

Гуруҳда (ёки индивидуал):

Танлаган касбингизни номланг (масалан: шифокор, ҳуқуқшунос, дастурчи, муҳандис, молиячи ва ҳ.к.).

Ўша касб орқали жамиятга қандай ижобий таъсир кўрсатишингизни тасвирланг.

Ўша соҳада ўн йил ичида қандай янги лойиҳа, хизмат ёки ютуқ яратишни хоҳлардингиз?

Қисқача тақдимот (2–3 дақиқа):

Жамоа вакили ечим ва ғояни тақдим этади.

Қуйидаги уч саволга жавоб бериш керак:

Танлаган касбингизни нега севасиз?

Уни жамият учун қандай аҳамиятга эга деб ўйлайсиз?
Сиздан кейин келадиган авлодларга қандай из қолдирмоқ-
чисиз?

Баҳолаш мезонлари:

Ғоянинг ижтимоий аҳамияти.


Яратилган ташаббуснинг янгилиги ва амалийлиги.

Талабанинг шахсий муносабати ва илҳом билан чиқиш қилиши.

Масаланинг намунавий жавоби (муҳандислик учун):



Касб: Электроэнергетика муҳандиси



Ғоя: Қишлоқ жойларда қуёш энергияси орқали ар-
зон ва тоза ток таъминоти тизимини ишлаб чиқиш.

10 йиллик мақсад: Ўз стартап компаниямни очиб,
“Ёруғ Қишлоқ” дастури орқали 100 та аҳоли пунк-
тини қуёш энергияси билан таъминлаш.



Кейсни ўтказиш тавсияси:

Гуруҳга 15–20 дақиқа вақт беринг.

Ҳар бир гуруҳ чиқиш қилсин.

*Сўнгра баҳс ва фикр алмашинуви ташкил
қилинсин.*

*Устоз/мураббий хулоса қилиб,
талабаларни мақсад сари руҳлантирсин.*



Кредит ҳафталиги **тўртинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: ФАНЛАР – МУТАХАССИСЛИК ГАРОВИ!



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти аудиториялари.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Ўқув режадаги фанлар тўғрисида.

Фанлар ҳақида қисқача маълумот берилади.



Мажбурий ва танлов фанлар тушунтирилади.

Ўқув режага киритилган ва бакалавр таълим йўналиши учун мажбурий фанлар рўйхати тақдим этилади.

Фанларнинг хусусияти, объекти ва предмети ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтилади.

Фанларнинг касбий мутахассис бўлишдаги ўрни асослаб берилади.

Талабалар учун фидбек:

Ўқув режасида қайси фанлар сизга жуда фойдали бўлиши мумкин деб ўйлайсиз?

Дарслар давомида нимага кўпроқ эътибор қаратишни хоҳлар эдингиз — назарий билимларга ёки амалиётга?

Сизни фанларга бўлган қизиқишингизни ошириш учун нима керак деб ўйлайсиз?

Янги муҳитда ўқиш жараёнида сизга қандай ёрдам керак бўлади?

Қандай турдаги машғулотлар (жамоавий, мустақил, амалиёт, интерактив) сизнинг учун қулайроқ ва самаралироқ деб ўйлайсиз?

Ўқув режаси ва фанлар бўйича сизда қандай саволлар ёки хавотирлар бор?

Касбингизда муваффақиятга эришиш учун қандай ўзгаришлар керак деб ҳисоблайсиз?

Қўшимча тавсия:

Бу саволларни кичик гуруҳларда ёки индивидуал тарзда беринг, талабалар ўз фикрларини эркин айта олишлари учун.

Жавоблардан келиб чиққан ҳолда, талабаларнинг эҳтиёжлари ва қўрқувларини инобатга олган ҳолда ўқув режасини ва ўқитиш усулларини мослаштириш мумкинлигини билдиринг.

Шунингдек, янги талабаларга руҳлантирувчи, қўллаб-қувватловчи муҳит яратиш муҳим.

Шу усулда талабаларнинг фикрларини олсангиз, улар билан яқинроқ мулоқот ўрнатасиз ва ўқишга бўлган қизиқишини оширишга ёрдам берасиз.



Кредит ҳафталиги **бешинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: КРЕДИТ ТИЗИМИ: МЕНИНГ ЎҚУВ ЮКЛАМАМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИГИМ



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти аудиториялари.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Слайдлар ва видеолар орқали кредит-модул тизими, модул, силлабус ва фан юкламалари ҳақида тўлиқ тушунча бериш.

Асосий мазмун:



Кредит нима? Бир кредит қанча соатга тенг?
Ҳар бир фан учун ажратилган кредит нимага боғлиқ?

Дарс вақти ва мустақил таълим соати фарқи.

“Кредит” — фақат рақам эмас, балки сизга ажратилган билим ҳажми.

Сиз фанни ўзлаштириш учун мустақил ҳаракат қилишингиз шарт.

Қисқача мисол:

Масалан, 3 кредитли фан:

30 соат аудитория дарси,

15 соат семинар/амалиёт,

45 соат мустақил таълим.

Бу — бир фан учун камида 90 соат меҳнат дегани.

Интерактив слайд-такдимот ёки инфографика

Слайд мазмуни (бош саҳифалар):

Кредит нима?

— 1 кредит = ўртача 30 академик соат.

Унинг 40% дарс, 60% мустақил таълим.

Талаба масъулияти нима?

— Кредит “олиш” — фақат қатнашиш эмас, натижа кўрсатиш.

Мустақил таълимни қандай ташкил қилиш керак?

— Ҳафталик режа, ресурслар, сўровлар,
кутубхона ва онлайн платформалар.

Савол-жавоб сессияси (“Жонли мулоқот”)

Саволлар орқали маълумот бериш:

Сиз билишни хоҳлармидингиз: фанга ажратилган 3 кредит нимага тенг?

Сизда ҳафтасига 6 та фан бор. Ҳар бирида 3 кредит бўлса, ҳафталик ўқув юкламангиз тахминан неча соат?

Дарсдан ташқари, ҳар бир кредит учун қанча соат мустақил тайёргарлик қилиниши керак?


Устоз фақат йўл кўрсатувчи — асосий вазифа сизнинг масъулиятингизда. Бу ҳақида нима дейсиз?

Эслатма:

Қаттиқ тушунтириш эмас, балки ақлга яқин, таъсирли ва амалий тарзда маълумот бериш керак.

Оммавий маълумот бериш учун маъруза, инфографика, савол-жавоб, real-life мисолларидан фойдаланинг.

Hemis



Кредит ҳафталиги **олтинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: HEMIS ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти аудиториялари.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: HEMIS, электрон тизимлар, шахсий кабинетлар тўғрисида.



HEMIS — бу “Higher Education Management Information System” сўзларининг қисқартирилишидир, яъни Олий таълимни бошқариш ахборот тизими.

HEMIS нима учун керак?



Маълумотларни автоматлаштириш ва тизимлаштириш учун зарур



Авваллари талабалар, дарслар, баҳоларга оид маълумотларни қоғозда қайд этиб боришган. Ҳозир эса, барча


маълумотлар электрон шаклда йиғилади ва сақланади. Бу тизим орқали маълумотлар тез, аниқ ва хавфсиз сақланади.

Талабаларнинг таълим жараёнини назорат қилиш
HEMIS орқали ОТТ талабанинг қайси фанни қанча кредит билан олгани, баҳолари, ўқув юки, семестрлар, таътиллار ва битирув учун керакли кредитларни тўплаши кузатиб борилади.

Олий таълим ташкилотлари ва давлат органлари учун ҳисобот тайёрлашга қулай

Таълим муассасалари ўз фаолияти ҳақида, талабалар сони, ўқув юкламаси ва бошқа кўрсаткичлар ҳақида давлатга тез ва аниқ маълумот бера олади. Бу таълим сифатини назорат қилиш ва ривожлантириш учун жуда муҳим.

HEMIS тизими қандай ишлайди?



Ҳар бир талаба ва ўқитувчи учун шахсий ҳисобот каби маълумотлар электрон тарзда киритилади.

Талабаларнинг дарслар ва имтиҳонлар билан боғлиқ барча маълумотлари тизимда сақланади.

Талаба ўз ҳисоботи (баҳолари, кредитлари, ёқтирилган фанлар рўйхати)ни кўриш имконига эга бўлади.

Нега бу тизим фойдали?



Талабалар учун: Баҳоларини, қайси фанларни олганини ва қанча кредит тўлаганини кузатиш осонлашади. Шу билан битирув учун нима етишмаслигини билса бўлади.

ОТТ учун: Маълумотларни тез ва аниқ тўплаш орқали таълим сифатини яхшилаш ва талабаларга керакли ёрдамни кўрсатиш мумкин.

Давлат учун: Олий таълим тизимида оид статистик маълумотларни олиш ва ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур.

Қисқача мисол билан тушунтириш

Тасаввур қилинг, Сиз ОТТда бир йилда олтига фан оласиз ва ҳар бири учун маълум кредит белгиланган. НЕМИС тизими ҳар бир фанингизнинг соатлари, баҳолари ва кредитлари ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва битириш учун қанча кредит етишмаслигини кўрсатиб беради. Бу орқали сиз ўқув режасини яхшироқ бошқаришингиз мумкин.



Хулоса

НЕМИС — бу таълим муассасаларида талабалар, фанлар, баҳолар ва ўқув жараёнини электрон тарзда автоматлаштирилган тартибда бошқариш тизими.

Ушбу тизим ёрдамида таълим сифатини ошириш, маълумотларни тез ва аниқ топиш, ҳамда талабаларга ўз таълим жараёнини кузатиш имконини бериш мақсад қилинган.



Кредит ҳафталиги **еттинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: СИЛЛАБУС ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ, ГРАНТЛАР ТАҚСИМОТИ



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти аудиториялари.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Ҳар бир фан учун 100 баллик тизим, оралиқ ва якуний назоратлар, фаоллик баллари, қатнашишнинг аҳамияти ҳақида тўлиқ маълумот.

Силлабус нима?



Силлабус — бу муайян бир фан (дарс) бўйича ўқитувчи томонидан тайёрланадиган ҳужжат бўлиб, унда фаннинг мазмуни, ўқитиш режаси, мақсади, натижалари, баҳолаш тизими ва кутилган натижалар ҳақида тўлиқ маълумот берилади.

Силлабуснинг асосий мақсади нимани қамраб олиши керак?

Талабага фан нима ҳақида эканини олдиндан тушунтириш.
Фан давомида нималарни ўрганиш кераклигини белгилаш.

Баҳолаш қандай бўлишини кўрсатиш.

Ўқув жараёнини тизимлаштириш.

Ҳар бир фан ўқитувчиси томонидан силлабуснинг аҳамиятини тушунтириш.

Дарслар қандай кетишини олдиндан билиб олиш.

Олий таълим ташкилотларида талабаларнинг билими қайси асосий компонент орқали баҳоланади?

Оралиқ назорат, якуний назорат босқичлари.



Грантларни қайта тақсимлашини таништириш

Қуйидагилар тушунтирилади:

Таълим грантини иккинчи ва ундан юқори курс талабалари учун уларнинг сонидан келиб чиқиб, олий таълим ташкилоти ректори томонидан тўлиқ таълим гранти ва тўлиқ бўлмаган таълим грантига ажратиш ҳамда табақалаштирилган тарзда қайта тақсимлаш.

Таълим грантини ҳар ўқув йили якунлангандан сўнг бакалаврият таълим йўналиши, таълим тили ва курслар кесимида табақалаштирилган тарзда алоҳида қайта тақсимлаш.

Таълим грантини табақалаштирилган тарзда қайта тақсимлаш натижасига кўра таълим грантини олувчи талабалар рўйхатини олий таълим ташкилоти кенгашининг қарори билан тасдиқлаш.

Олий таълим ташкилотларида талабаларга грантларни тақдим этиш ва қайта тақсимлаш тартибининг умумий қоидалари.



Таълим грантига талабгорларнинг академик ўзлаштириш кўрсаткичларини ва ижтимоий фаоллигини аниқлаш бўйича комиссия ва унда тўпланадиган баллар.

Таълим грантининг базавий сони.

Таълим грантига талабгорлар.

GPA (grade point average) кўрсаткичи «3,5» ва ундан юқори бўлган талабаларга кейинги ўқув йили учун фоизсиз таълим кредити ажратилиши ҳақида маълумотлар.

Талабалар ўқув жараёни олиб бориладиган даврда грантга ўтиш бўйича мезонлар.

Грантларни қайта тақсимлашда академик ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари.

Грантларни қайта тақсимлашда ижтимоий фаоллигини аниқлаш бўйича баҳолаш мезонлари.

Фаоллик баллари нима?



Фаоллик — бу талаба дарс жараёнида қанчалик иштирок этгани, саволларга жавоб бериши, гуруҳ билан ишлашда фаоллиги каби фаолиятларга бериладиган баллар.

Дарсларда қатнашмаслик оқибати:

Жорий балл пасаяди, умумий рейтинг пасаяди, сурункали ва сабабсиз 25% дарс қолдирилса, якуний назоратда иштирок этишига рухсат берилмайди (ВМнинг 824-қарорига асосан)



Кредит ҳафталиги **саккизинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ (МТ) — НИМА ВА У НЕГА КЕРАК?



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти аудиториялари.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Мустақил таълимнинг тузилиши, унга ажратилган соатлар, амалга ошириш механизмлари тўғрисида.

1. Мустақил таълим (МТ) нима?



Мустақил таълим — бу талабанинг ўқитувчи раҳбарлигида, маъруза ва дарсдан ташқари вақтда, фан бўйича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш учун мустақил равишда бажарадиган ўқув-илмий фаолиятидир.

Бу жараёнда талаба ўзи режа тузади, ўзи ўрганеди ва ўз вақтини бошқаради. МТ университет таълим тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади.

2. Мустақил таълим ва кредит тизими

Кредит-модул тизимида ҳар бир фан учун ажратилган умумий соатларнинг катта қисми (50–60%) мустақил таълимга тўғри келади.

3. МТ нимани талаб қилади?

Мустақил таълим — бу эркин вақт эмас, балки:

- режали ўқиш;
- муаммоли масалаларни ўрганиш;
- фикрлаш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш;
- ёзма ишлар тайёрлаш (реферат, эссе, лойиҳа);
- илмий манбалар билан ишлаш.

4. МТ жараёнида талаба нима қилиши керак?

Берилган мавзуларни ўзлаштириш.

Мустақил таълим топшириқларини бажариш (матн таҳлили, мисол ечиш, реферат ёзиш, таълимий видеоларни кўриш ва хулоса чиқариш).

Интернет ва кутубхона манбаларидан фойдаланиш.

Вақтини тўғри тақсимлаш ва муддатга риоя қилиш.

5. МТ қандай баҳоланади?

Мустақил таълим фаоллиги умумий баҳолаш тизимида ҳисобга олинади.

Устоз берган вазифаларни ўз вақтида ва пухта топшириш орқали синов ва имтиҳондаги баллингиз юқори бўлиши мумкин.

Айрим фанларда МТ учун алоҳида рейтинг баллари ажратилади (10–20% гача).

6. Нега мустақил таълим муҳим?

Талабанинг шахсий масъулиятини шакллантиради.

Илмий изланиш кўникмасини ривожлантиради.

Ўз вақтини бошқариш, мустақил фикрлаш ва муаммо ечиш қобилиятини оширади.

Университетдан ташқари ҳаёт учун тайёргарлик

Қисқача мисол:

Дилфуза биринчи курс талабаси. У “Ахборот технологиялари” фанидан 3 кредитли курс ўтмоқда. У ҳар ҳафта устоздан бериладиган видео дарс, мақола таҳлили ва амалиёт топшириқларини бажариб, ўз вақтини бошқаришни ўрганмоқда. МТ баллари унинг синов баҳосини 10%га оширишда ёрдам беради.

Хулоса:

Мустақил таълим — талабанинг шахсий

билим капитали. Унга енгил қараш —

имкониятни бой бериш демак.

Университетда муваффақиятли ва етук

бўлишни истасангиз, дарсдан ташқари —

ўз устида ишлашга ҳам одатланинг!



Кредит ҳафталиги **тўққизинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: АКАДЕМИК ҲАЛОЛЛИК: АҲАМИЯТИ, ОҚИБАТЛАРИ ВА ТАВСИЯЛАР



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти ўқув зали, аудиториялари.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Академик ҳалоллик, академик ҳалоллик бузилиш оқибатлари тўғрисида.

Академик ҳалоллик нима?



Академик ҳалоллик — таълим ва илмий фаолиятда ҳаққонийлик, адолат, масъулият, шаффофлик ва ҳурмат тамойилларига риоя қилишдир.

Бу ўз ишини мустақил бажаришиб, бошқа манбаларни аниқ ва адолатли келтириш, йўлдан четга чиқмасдан билим олишга интилиш демакдир.

Нима учун академик ҳалоллик муҳим?

Сифатли таълимнинг асосидир; шахсий ва касбий обрўйин-гизни сақлайди; илмий ишонч ва ОТТ нуфузини оширади; баҳо-лашда адолатни таъминлайди; фейк билимлардан сақланишга ёрдам беради.

Академик ҳалолликни бузиш ҳолатлари:

Плагият – бошқаларнинг фикри, матни ёки тадқиқотини ўзлаштириб, ўзингизники деб кўрсатиш;
Фальсификация – сохта маълумот ёки натижаларни тўқиб чиқариш.

Йўл-йўриқдан чиқиш – имтиҳонларда ёрдам олиш, шахсий ўрнига бошқани топшириш.

Contract cheating – топшириқни бошқаларга ёздириш ва уни ўз номи билан топшириш.

Бундай ҳаракатлар оқибатлари тегишли тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Академик ҳалолликка амал қилиш бўйича тавсиялар:

Ҳар доим манбани кўрсатинг – ҳавола ва ғоялар учун тўлиқ маълумот беринг.

Мустақил ишланг — бошқаларнинг ишига суянмасдан ўз ечимингизни ишланг.

Antiplagiat.uz, turnitin, grammarly каби дастурлар билан плагиятни текширинг.

Иқтибос олишни ўрганинг – манбани ўз сўзларингизда қайта баён этиш.

Вақтни бошқаринг – кечиктирманг, стрессдан қочиш учун ишни эрта бошланг.

Ёрдам сўрашдан қўрқманг – ўқитувчи ва тьюторлар билан маслаҳатлашинг.



Кредит ҳафталиги **ўнинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИДАН ФОЙДАЛАНИШ



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти АРМ ва аудиториялари.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Ахборот-ресурс маркази тузилиши ва фондлари, адабиётлар.

АРМ нима?



Ахборот-ресурс маркази — бу замонавий кутубхона, яъни таълим, фан ва илмий тадқиқотлар учун керакли адабиётлар, маълумотлар ва электрон манбалар жамланган марказ.

АРМ — бу фақат китоб ўқиладиган жой эмас, балки талабалар ва ўқитувчилар учун ўқиш, ёзиш, изланиш ва билим ошириш майдони.

АРМда нималар бор?

Босма адабиётлар — дарсликлар, қўлланмалар, журналлар, газета, монографиялар.


Электрон китоблар ва маълумотлар базаси (unilibrary.uz, arxiv.uz, Ziyonet, Google Scholar, Springer, JSTOR — агар уланган бўлса).

Компьютер заллари — интернет, таълимий платформалардан фойдаланиш учун.

Ахборот-маърузалар, кўргазмалар ва тренинглар

Реферат, диплом, курс ишлари учун манба қидиришда ёрдам.

Нусха кўчириш, сканерлаш, принтер хизмати (айрим АРМларда).



АРМДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИ?

1. Аъзолик (регистрация)

Биринчи бор келганда талабадан паспорт/студентлик билети ёки ID талаб қилинади.

АРМ гуруҳлаштирилган ҳолда қидиришга ёрдам беради.

2. Китоб олиш

Китоблар икки хил бўлади:

Ўқув зали учун (жойида ўқиш).


Фойдаланиш учун уйга олиш (бир муддатга).

Китобни уйга олишда қайтариш муддати белгиланади.

3. Электрон манбалардан фойдаланиш

Компьютерларда Wi-Fi ёки АРМ базалари орқали онлайн манбалардан фойдаланиш мумкин.

Электрон кутубхона (қўлланмалар, рефератлар, илмий мақолалар) билан ишлашда АРМ ходимлари ёрдам беради.



4. Тинч ва самарали ўқиш учун қоидалар:

Сўхбатлашмаслик, овоз чиқармаслик.

Китобларга эҳтиёт бўлиш.

Муддатда қайтариш.

Нотўғри манбалардан нусха кўчирмаслик.

Талабалар учун фойдали маслаҳатлар.

МТ (мустақил таълим) топшириқларини тайёрлашда АРМдан тез-тез фойдаланинг.

Илмий иш ёзмақчи бўлсангиз, шу ердаги асосий ва ишончли манбалардан бошланг.

Электрон маълумотлар базаси билан ишлашни ўрганинг — Google да эмас, илмий платформаларда қидириш одатини ҳосил қилинг.

АРМ ходимлари билан мулоқот қилинг — улар сизни тезроқ ва тўғри манбага йўналтиради.





ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЮҚОРИ БОСҚИЧ ТАЛАБАЛАРИГА КРЕДИТ ҲАФТАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Кредит ҳафталиги **биринчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: ФАНЛАР БИЛАН ТАНИШУВ ВА ТАНЛОВ ФАНЛАРНИ ТАНЛАШ



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти ўқув заллари ва аудиториялари.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Ўқитиладиган фанлар мазмуни билан таништириш, мажбурий ва танлов фанлар ҳақида маълумот бериш.

Фанларни танлашнинг аҳамияти нимада?



Таълим жараёнини индивидуаллаштириш.
Талабаларнинг қизиқишлари ва касбий мақсадларига мос билим бериш.
Таълимда талабанинг фаоллигини ва мустақил қарор қабул қилишини ошириш.

Мажбурий фанлар:

Давлат таълим стандартига асосан барча талабалар учун мажбурий.

Мутлақо танланмайди, балки ўқув режада белгиланади (масалан, «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи», «Рус тили»).

Танлов фанлари:

Талаба ўз йўналиши, ихтисоси ёки қизиқишидан келиб чиққан ҳолда танлайди.

Одатда 2–4-босқичда кенг жорий этилади.

Фан танлаш жараёни:

Олий таълим ташкилоти томонидан ҳар семестр бошида танлов фанлари рўйхати эълон қилинади.

Танлов фанлари сони – семестрда белгиланган кредит юкидан келиб чиққан ҳолда (масалан, 2–3 фан).

Ҳар бир фаннинг силлабуси, мақсади ва натижалари билан таънишиб чиқиш керак.

Танлов натижалари асосида гуруҳлар шакллантирилади.

Танлов фанларининг намунавий йўналишлари:

Йўналиш	Танлов фанлари намунаси
Педагогика	Инклюзив таълим, Медиа педагогика
Иқтисодиёт	Стартап бошқаруви, Бозор таҳлили
Техника йўналишлари	Саноат 4.0, IoT технологиялари
Филология ва таржима	Лотин тили тарихи, Таржима назарияси
Тарих	Архившунослик асослари, Тарихий манбалар таҳлили

Фидбек

Сиз танлаган фан(лар) касбий йўналишингизга мос ва долзарбми?

Сиз фан мазмунини олдиндан ўрганиб, онгли қарор қабул қилганмисиз?

Сизда фанни ўрганишга қизиқиш ва масъулиятли ёндашув борми?

Мазкур фан орқали амалий кўникмаларни ривожлантириш имконияти қучлими?

Такомиллаштириш керак бўлган жиҳатлар:

Танловда кўпроқ маслаҳатга асослангансиз, шахсий қизиқишларингиз етарли ўрганилмаган.

Фанлар мазмуни ва натижалари бўйича етарли таҳлил қилинмаган.

Танланган фанлар бир-бирига ўхшаш бўлиб, билим доирасини чеклаб қўйиши мумкин.



Электрон тизимда танлов жараёнида техник ёрдам сўрашда иккиланиш бўлган.

Тавсиялар:

Кейинги семестрларда фан танлашдан аввал ҳар бир фаннинг силлабусини тўлиқ ўрганинг.

Мутахассислар ёки устозлар билан маслаҳатлашинг — улар танловингизга тўғри йўналиш бериши мумкин.

Турли соҳаларни қамраб олувчи фанларни танлаш — интердисциплинар ёндашувни шакллантиради.

Танлов жараёнида ўзингизнинг касбий мақсадларингизга асосланг, тасодифий эмас, мақсадли ёндашинг.



Кредит ҳафталиги **иккинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА ЮҚОРИ БОСҚИЧ ТАЛАБАЛАРИГА АМАЛИЁТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти ўқув зали,
аудиториялари ва соҳа лабораторияларида.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Амалиёт жараёни бўйича йўриқнома,
дастур, амалиёт меъёрий ҳужжатлари тузилиши бўйича.

**Талабалар сизларга ташкил этиладиган
амалиёт ҳақида маълумотга эгамисиз?**



Ўқув амалиёти Сизга қизиқарли бўлиши
учун нималарни ўзлаштиришни маъқул
биласиз?

Ишлаб чиқариш амалиётининг
афзалликларини англаб олишда Сиз қайси
жараённи муҳим деб ҳисоблайсиз?

Педагогик амалиётнинг объектини танлашда қайси таълим-тар-
бия муассасаси сизга кўпроқ ёқади (боғча, мактаб, техникум)?
Илмий тадқиқот амалиёти ҳақида нималарни биласиз?

Сиз амалиётлар тўғрисида умумий тушунчага эгамисиз?

Ўқув амалиётида – мутахассс-ликка оид бошланғич кўникмаларни шакллантириш лаборатория, дастурлаш, кузатув, технология умумий тузилиши ҳақида танишади.



Ишлаб чиқариш амалиёти – талабаларни реал иш жойларида иш жараёнида иштирок этиб вази-фаларни бажариш кўникмасини шакллантирилади.

Педагогик амалиёт (таълим йўналишлари учун) – ўқитувчи-лик кўникмаларига эга бўлиш учун мактабгача таълим, мактаб ёки техникумларда тажриба орттирилади.

Илмий-тадқиқот амалиёти – илмий изланишлар, тажриба-лар ўтказиш ва диссертация ишларини ёзишни ўрганади.

Амалиётга тайёргарлик кўришда керакли хужжатлар билан танишинг!

Амалиёт ўташ бўйича низом ва йўриқномалар билан та-ништириш.

Амалиёт юритилиши юзасидан дастур ва амалиёт кундалиги-ни тушунтириш.

Амалиёт давомида техник хавфсизлик қоидаларига амал қи-лишга тайёрлаш.

Амалиётга бириктирилган мутахасссислар билан биргаликда иш жараёнини кузатиб бориш.



Кредит ҳафталиги **учинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎТКАЗИЛАДИГАН НОМДОР СТИПЕНДИЯЛАР, ТАНЛОВЛАР ВА ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИНГ



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти ўқув заллари ва аудиториялари.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Номдор стипендиялар, танловлар ва фан олимпиадалари тўғрисида.

Номдор стипендияларни биласизми?



Олий таълим ташкилотлари талабалари учун:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси»;

«Беруний номли давлат стипендияси»;

«Ибн Сино номли давлат стипендияси»;



«Навоий номли давлат стипендияси»;

«Улуғбек номли давлат стипендияси»;

«Имом ал-Бухорий номли давлат стипендияси»;

«Ислом Каримов номли давлат стипендияси»;

«Бобур номли давлат стипендияси»;

«Паҳлавон Маҳмуд номли давлат стипендияси»;

«Тўлепберген Қаипбергенов номли давлат стипендияси»;

«Ибройим Юсупов номли давлат стипендияси».

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиялари олий таълим ташкилотларининг битирувчи курс талабаларига тайинланади ва тўланади.

Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий ва Ислом Каримов номли давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикасидаги давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари, шу жумладан, қўшма таълим дастурларининг охириги икки курсида ўқиётган талабаларга тайинланади ва тўланади.

Стипендияга даъвогарлик қилиш учун талаба қуйи босқичдан бошлаб ўқув, илмий, маънавий-маърифий соҳада фаоллик асосида аъло баҳоларни ўзлаштириб ижодий фаоллик асосида саралаш босқичида иштирок этиб танлаб олинади.

Танловларда фаол иштирок этинг!

Маҳаллий ва хорижий даражадаги танловларда иштирок этинг. Танловлар сизнинг иқтидор калитингиздир.


Шахсий ва касбий ривожланишингиз учун жуда муҳим имкониятдир. Бу жараён нафақат билимни мустаҳкамлаш, балки кўникмаларни синовдан ўтказиш, янги тажриба орттириш ва раҳбарлик, жамоада ишлаш, ижодкорлик салоҳиятини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради.



Фан олимпиадаларининг аҳамиятини биласизми?

Олий таълим тизимида талабаларнинг билимларини чуқурлаштириш, илмий салоҳиятини ошириш ва иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида фан олимпиадалари ташкил қилинади. Бу олимпиадалар ҳар йили ташкил этилиб, республика миқёсидаги нуфузли илмий танловлар сирасига киради.

Олимпиадаларнинг мақсади



иқтидорли талабаларни аниқлаш ва рағбатлантириш;
фанга қизиқишни ошириш ва илмий изланишларга
йўналтириш;

талабалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини
шакллантириш;

илмий-назарий билимларни амалий жиҳатдан
мустаҳкамлаш.

Ташкил этиш босқичлари:



Олий таълим муассасаси (ОТТ) даражасида —
дастлабки саралаш босқичи.

Республика босқичи — энг иқтидорли талаба-
лар республика даражасида ўзаро беллашадилар.

Ҳар икки йилда бир маротаба халқаро дара-
жадаги ал-Хоразмий номидаги математика фан
олимпиадаси ўтказилади. Маҳаллий даражадаги физика, кимё,
биология, ахборот технологиялари, кибер хавфсизлик каби фан
олимпиадалари ўтказилади.



Кредит ҳафталиги **тўртинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: ЯХШИ МУТАХАССИС БЎЛМОҚЧИМИСIZ – АДАБИЁТЛАР УСТИДА ИШЛАШНИ ЎРГАНИНГ!



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти ўқув заллари ва аудиториялари.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Адабиётларни тоифаларига ажратган ҳолда мазмун ва хусусияти очиб бериш.



Талабаларнинг адабиётлар устида ишлаши — таълим жараёнининг муҳим қисми бўлиб, уларнинг илмий, таҳлилий ва танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради. Қуйида талабаларни адабиётлар устида самарали ишлашга йўналтириш усуллари ва тавсиялари келтирилган.

Адабиётлар устида ишлашнинг мақсади:



Илмий билимни чуқурлаштириш – фан ва мутахассислик бўйича кенг маълумот олиш.

Таҳлилий фикрлашни ривожлантириш – ўқилган манбани танқидий баҳолаш.

Мустақил изланиш кўникмасини шакллантириш – тадқиқот олиб боришга тайёргарлик.

Ёзма нутқни такомиллаштириш – илмий мақола, реферат, курс иши ёзиш учун тайёргарлик.

Адабиётлар устида ишлашда мақсадни аниқлаш:

Нима учун бу адабиётни ўқийди? (реферат, курс иши, семинар учун).

Адабиёт танлаш:

Асосий ва қўшимча адабиётларни ажратиб олиш.

Янги ва долзарб манбаларни излаш (монография, мақола, интернет манбалар).

Тузилма бўйича ўқиш:

Китобнинг кириш қисми, асосий боблари ва хулосасини таҳлил қилиш.

Фидбек (талабага йўналтирилган)

Манбаларни танлаш – сиз тўғри ва долзарб адабиётларни танлай олгансиз.

Изоҳлар юритиш – матндан асосий фикрларни ажрата олиш қобилиятингиз яхши.

Таҳлилий ёндашув – адабиётни шунчаки кўчирмасдан, унга ўз муносабатингизни билдиргансиз.

Иқтибос ва тафсиллаш – манба билан илмий этика қоидаларига амал қилган ҳолда ишлагансиз.

Такомиллаштириш лозим бўлган жиҳатлар:

Манба чекланганлиги – фақат бир ёки иккита манба билан чеклангансиз. Кенгроқ қамров керак.

Хужжатлаштириш – қайси манбадан иқтибос келтирганингизни ёки маълумот олганингизни кўрсатишда аниқлик етишмайди.

Танқидий ёндашув заиф – муаллиф фикрига сўзсиз қўшилиб кетгансиз. Ўзингизнинг нуқтаи назарингизни кучайтинг.

Тузилмавий тизим – изоҳлар ёзуви яхшироқ ташкил этилиши мумкин (масалан, жадвал, тезислар кўринишида).



Фаолиятни ривожлантириш учун тавсиялар:

-  *Илмий мақолалар, монография ва тезислар билан ҳам ишлашни кўпроқ амалиёт қилинг.*
-  *Ҳар бир ўқилган манба бўйича 3–5 та савол тузинг ва уларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.*
-  *Иқтибослар учун тўғри APA, MLA, Chicago услубларидан фойдаланишни ўрганинг.*



Кредит ҳафталиги **бешинчи кунда** амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: ИЛМИЙ МАҚОЛА ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти ўқув заллари ва аудиториялари.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50



Планшет тайёрлаш: Илмий мақола ёки тезис ёзишни пирамида шаклидаги тузилиши тайёрланади.

Илмий мақола ва тезис нима?



Мақола — бу ҳар қандай мавзу, ғоя, саволни батафсил ёритган, уларнинг таҳлилий элементларини ўз ичига олган ҳамда даврий ёки даврий бўлмаган тўплам учун мўлжалланган асар.

Тезис — бу қандайдир илмий, назарий ёки амалий фикрнинг

қисқа, аниқ ва асосланган баёнидир. У одатда мақола, маъруза, диплом ёки илмий анжуман учун ишланади.

Илмий мақола — диссертация мавзуси билан боғлиқ муаммолар доирасига кирувчи конкрет муаммога бағишланган тўлиқ ва мантиқий тугалланган иш. Илмий мақола батафсил далилларни талаб қилади ва энг муҳим натижаларни очиб беради.

Тезис — бу қандайдир фикр, хулоса ёки таклифни қисқа ва аниқ ифода қилувчи илмий баёнот. У асосий ғояни ифода этади ва кейинчалик далиллар ёки фактлар билан исботланади.

Илмий мақолага қўйиладиган умумий талаблар (таркиби)

Илмий мақола учун пухта ўйланган, батафсил режа тузиш ишнинг ярмини ташкил этади. Режада мақоланинг кириш, асосий ва якуний қисмларидаги асосий масалалар акс эттирилиши керак.

Кириш қисмида мақолада келтирилган тадқиқотнинг қуйидаги асосий нуқталари очилади:

- муаммо;
- тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари;
- шартлар ва чекловлар;
- мақолада таклиф этилаётган материалнинг хусусияти;
- ишнинг тузилиши, тақдимотнинг кетма-кетлиги ва мантиқийлиги.



Тезиснинг таркиби:

Сарлавҳа (мавзу) — аниқ ва мақсадга йўналтирилган.

Муаммо қўйилиши — нимани ўрганасиз?

Мақсад ва вазифалар — нима учун ва қандай йўл билан?

Янги фикр / таҳлил / ечим — сиз нима таклиф қиялпсиз?

Хулоса ва тавсиялар — қисқа, мазмунли.

Илмий мақоланинг тузилиши



Илмий мақола ёзиш — ижодий жараён. Шундай бўлса-да, унинг матни-ни тайёрлаш ва расмийлаштириш билан боғлиқ муайян стандартлар мавжуд. Халқаро илмий журналларнинг аксари-яти экспериментал тадқиқот натижалари-ни тавсифловчи мақолага қуйидаги асосий қисмлардан иборат талабни бел-гилайди: кириш, тадқиқот усуллари, на-

тижалар ва мунозара (Introduction, Methods, Results and Discussion — IMRAD). Баъзан аннотация (annotation) маъносини англатувчи “А” ҳарфи IMRAD қисқартмасига қўшилади ва AIMRAD деб ёзилиши ҳам мумкин. Илмий мақола бўлимларининг ички тузилиши батаф-сил тавсифи қуйидаги кўринишга эгадир.

IMRAD шаклида мақола расмийлаштириш қоидалари

IMRAD шакли жуда оддий мантиққа асосланган. Мақоланинг бўлимлари қуйидаги саволларга жавоб бериши керак:

Тадқиқот қайси муаммога бағишланган? (Кириш бўлими).

Муаммо қандай ўрганилди? (Методлар бўлими).

Асосий (илмий) топилмалар ёки кашфиётлар қандай? (Нати-жалар бўлими).

Натижалар нимани англатади? (Мунозара бўлими).



Кредит ҳафталигидаги шанба кунда амалга
ошириладиган ишлар

Мавзу: ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти спорт
майдонларида.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50

Жисмоний тарбия ва спорт — инсон саломатлигини мустаҳкамловчи, руҳий барқарорликни таъминловчи ва жамиятда фаол фуқароликни шакллантирувчи муҳим воситалардан биридир. Олий таълим муассасаларида жисмоний маданият тадбирларини самарали ташкил этиш талабаларнинг жисмоний ҳолати, ижтимоийлашуви ва ҳаётга бўлган ижобий муносабатини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.



Жисмоний маданият тадбирларининг мақсадлари:

талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш;
спортга қизиқишни ошириш ва иқтидорли спортчиларни
аниқлаш;

жамоавийлик, ўзаро ҳамкорлик ва раҳбарлик кўникмалари-
ни шакллантириш;

талабалар ўртасида дўстона муҳит яратиш;
стресс ва ўқишга боғлиқ чарчоқни камайтириш.

Ташкил этиладиган тадбирлар турлари

Олий таълим ташкилотларида жисмоний маданият тадбир-
лари қуйидаги шаклларда ташкил этилиши мумкин:

ОТТ миқёсида спорт турлари бўйича (футбол, волейбол, бас-
кетбол, стол тенниси, шахмат ва б.) мусобақалар ўтказиш.

Тематик югуришлар ва флешмоблар

“Соғлом турмуш — муваффақият кафолати” шиори остида ом-
мавий югуришлар.

Спорт ва соғломлаштириш флешмоблари, аэробика машғу-
лотлари.

Иқтидорли талабалар иштирокида спорт кўргазмалари



ОТТ спорт клублари чиқишлари.

Спорт фестиваллари ва мусобақалари ўтказиш.

Хотин-қизлар учун махсус спорт тадбирлари.

Инновацион спорт ўйинлари (street workout,
workout battle, mini triathlon ва бошқалар).

Кредит ҳафталигидаги шанба кунда амалга ошириладиган ишлар

Мавзу: ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ



Ўтказилиш жойи: Олий таълим ташкилоти маданият саройи, фаоллар заллари, театр ва ҳоказолар.



Бошланиш вақти: 09:00



Тугаш вақти: 11:50

Олий таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёни билан бирга маданий-маънавий муҳитни бойитиш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Маданий кун тадбирлари талабаларнинг фаол ижтимоий ҳаётини таъминлайди, миллий қадриятлар ва умуминсоний маданиятга бўлган қизиқишни оширади ҳамда уларнинг эстетик тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.



Маданий тадбирларнинг асосий мақсадлари:

талабаларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантириш;
талабаларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш;
ижодкорлик қобилиятини намоён этиш ва ривожлантириш;
жамоавийлик, фаол фуқаролик ва ватандошлик ҳиссини қучайтириш;
бўш вақтини мазмунли ташкил этиш.

Олий таълим ташкилотларида турли мавзулардаги маданий кун тадбирлари қуйидаги шаклларда ўтказилади:

Факультет ва курслар кесимида «Маданият кунлари»

Ҳар бир факультет кун давомида ўзлари тайёрлаган концерт дастурлари, кўргазмалар ва миллий анъаналарни намоён этадилар.

Ижодий кечалар ва концертлар

Талабаларнинг қўшиқ, рақс, шеърхонлик, сахна кўринишлари ва мини-спектакллари қамраб олган концертлар.

Маҳаллий вакиллар, хонандалар, ёзувчилар, драматурглар билан учрашув кечалари.

Кўргазмалар ва фестиваллар

Миллий хунармандчилик, китоб кўргазмалари, тасвирий санъат намоишлари.

Университет ичида «Ёш ижодкорлар фестивали», «Энг яхши сахна кўриниши», «Кўнгиллар мусиқаси» каби фестиваллар.

Интерактив ва инновацион тадбирлар

Фильмлар намоиши ва улар атрофида мунозара (кино-фестиваль форматида) ўтказиш.

Маданият ва маънавият бўлими, талабалар иттифоқи ва ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда иш режаси ишлаб чиқиш.

Талабаларнинг ўзини ўзи бошқариш кенгашлари орқали тадбирларда кенг иштирокини таъминлаш.

Ижодий гуруҳлар ва тўгараклар (театр студияси, рақс гуруҳи, вокал ансамбли, дебат клуби ва б.) фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

Факультет ва курслар ўртасида «Энг яхши маданий кун» танловини ташкил этиш.

Таълим муассасаси биносида маданият бурчаклари (маънавият гўшаси, китоб бурчаги)ни ташкил этиш.

